

Республика ҳудудлари бўйича таҳлил

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари. Коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ҳамда ютуқ ва камчиликларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

2020 йилнинг ўтган 9 ойи давомида республика ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 15,6 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 10,5 % ва Навоий вилояти 9,0 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Республика ЯИМга энг кам улуш Сирдарё (2,0%), Жиззах (3,0%), Хоразм вилоятларига (3,6%) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (3,5%) тўғри келмоқда.

Таҳлил этилаётган даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсишида Навоий (106,8%), Наманган (104,5%), Андижон (103,4%) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (100,4%) нисбатан паст ўсиш суръатлари Самарқанд вилоятида (99,7 %) ва Тошкент шаҳрида (98,4) кузатилди.

Аҳоли жон бошига ЯҲМ ишлаб чиқаришда Андижон (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,3%), Жиззах (100,3%), Навоий (105,0%), Наманган (102,3%), Сурхондарё (100,9%), Тошкент (100,8%) ва Хоразм (101,2%) вилоятларида ўсиш кузатилди. Мазкур кўрсаткич Самарқанд вилояти (97,8 %) ва Тошкент шаҳрида (95,3 %) республика кўрсаткичидан (98,5 %) паст бўлди.

Бу даврда ЯҲМ бўйича ҳудудлараро тафовутнинг ошиши кузатилди. Яъни ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 4,3 мартани ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг мос даврида 5,7 мартага етди.

Пандемия минтақалар саноатининг барқарор ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди. Умуман олганда, 2020 йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди ва ушбу кўрсаткич 97,3 %ни ташкил этди.

Пандемиянинг саноатга салбий таъсирини юмшатиш, ишлаб чиқариш суръатларини барқарорлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аксарият ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсишига имкон берди. Таҳлил этилаётган даврда Андижон (105,1 %), Навоий (108,9 %), Наманган (110,4 %), Сурхондарё (110,1 %), Хоразм (105,6 %), Жиззах (103,7 %), Сирдарё (102,0 %), Тошкент (103,0 %) ва Фарғона (100,4%) вилоятларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш кузатилди.

Шу билан бирга, Бухоро (98,2 %), Қашқадарё (97,6 %), Самарқанд (94,7 %) вилоятлари ва Тошкент (96,0%) шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пасайди. Соҳани ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ёки қисман тўхтатилиши, хомашё ва айланма маблағлар, ишчи кучи етишмаслиги муаммолари тўсиқ бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида аҳоли пул даромадлари, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти камайиши ҳамда саноат ривожланишида номуаносибликларнинг ортишига олиб келмоқда.

Навоий (18,2 %), Тошкент (18,1 %), Андижон (10,2 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (17,7 %) саноатнинг юқори концентрацияси ушбу ҳудудлар саноат салоҳиятининг юқори эканлигини белгилаб беради (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми республика параметридан (7,5 млн.сўм) юқори). Шу билан биргаликда, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми республика кўрсаткичидан 2,5-5,8 марта паст. Бу борада ишлаб чиқариш концентрациясида кузатилаётган юқори фарқ минтақалараро тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда (2019 йилнинг 9 ойида – 28,8 марта, 2020 йилнинг 9 ойида – 36,1 марта).

Қишлоқ хўжалигида 2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,4 %ни ташкил этди. Энг юқори ўсиш суръати Навоий (105,0%), Сурхондарё (104,7%), Наманган (104,4%), Хоразм (104,4%) вилоятларида

кузатилди. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13%и Самарқанд, 10,1 % Андижон, 10,1% Фарғона, 9,7% Қашқадарё вилоятларига тўғри келди. Ушбу кўрсаткич Сирдарё (3,4%), Навоий (4,3%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,2%) нисбатан паст. Худудлараро тафовут эса 2,6 мартага тенг бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини аҳоли жон бошига ўртача тақсимооти кўрсаткичи бўйича ҳам барча вилоятларда ўтган йилги даврга нисбатан ўсишга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах каби вилоятларда экин майдони катта бўлганлиги билан ҳосилдорлик даражаси пастлиги сабабли ижобий натижага эриша олинмапти. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республика кўрсаткичидан 1,1-1,6 марта кам бўлиб, бу ўз навбатида ушбу худудларда ердан унумли фойдаланишда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, шўрланиш даражаси юқорилиги, ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, инновацияларни кўллашда оқсаш, мавжуд техникаларнинг эскириши шулар қаторига киради.

Хизматлар соҳаси ўсиш фоизи 2020 йилнинг 9 ойида 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан паст, яъни 101,8 %ни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби қабул қилинган карантин чекловлари ҳисобланади. Хизматларнинг ўсиш суръати барча худудларда республика даражасидан нисбатан юқорилиги қайд этилди. Айниқса, Тошкент шаҳрида (106,9 %), Сирдарё (105,9 %), Андижон (104,5 %), Навоий (104,3 %) вилоятларида юқори бўлди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматларда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига (22047 минг сўм), энг пастси эса Сурхондарё вилоятига (2131,8 минг сўм) тўғри келди ва улар ўртасидаги фарқ 10,3 мартани ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Тошкент шаҳрида ўртача республика кўрсаткичига (4600,7 минг сўм) нисбатан 4,8 марта ортиқ хизмат кўрсатилди.

Коронавирус пандемияси таъсири сабабли худудларда алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда молиявий хизматлардан ташқари соҳанинг бошқа турлари яхши ривожланмади. Паст кўрсаткичлар, айниқса яшаш ва овқатланиш (83,4 %), соғлиқни сақлаш (86,2 %), транспорт (91,0 %) хизматларида намоён бўлди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳрига (20,7 %), Қашқадарё (10,4%), Тошкент (8,9%) ва Навоий (8,7%) вилоятларига тўғри келди. Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида асосий капиталга инвестициялар ўсишининг юқори суръатлари кузатилди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми бўйича биринчи ўринни Навоий вилояти эгаллади (12 042,0 минг сўм), кейинги ўринларда Тошкент шаҳри – 10 964,7 минг сўм, Сирдарё – 6 227,2 минг сўм, Жиззах – 4 908,9 минг сўм, Бухоро – 4 476,0 минг сўм, Қашқадарё – 4 355,1 минг сўм, Тошкент – 4 166,6 минг сўм вилоятлари эгаллади.

Ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш хақи 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида¹ 2 577,0 минг сўмни ташкил этди (2019 йилнинг мос даврида – 2213,4 минг сўм). Ушбу кўрсаткичнинг худудлар кесимида таҳлили фақат Навоий (республика кўрсаткичига нисбатан 128,4 %) ва Тошкент (107,9 %) вилоятлари ҳамда Тошкент (144,3 %) шаҳрида республика кўрсаткичига нисбатан юқори даражага эга эканлигини кўрсатмоқда (2019 йилнинг мос даврида ҳам худди шундай ҳолат кузатилган), қолган барча худудларда мазкур кўрсаткич республика даражасидан паст.

¹ Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари сентябрь ойи учун ҳисобланган.

Таҳлил этилаётган даврда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръати 106,3 %ни ташкил этди.² Мазкур кўрсаткич ҳудудлар кесимида турлича бўлиб, Навоий (109,9 %), Бухоро (109,4 %) ва Андижон (107,2 %) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (107,1) юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Қашқадарё вилоятида эса ушбу кўрсаткич 97,7 %ни ташкил этди.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш масалалари бўйича лойиҳа томонидан тайёрланган.

² Ўсиш суръати таҳлил этилаётган даврдаги номинал қийматни Марказий банк томонидан белгиланадиган сентябрь ойидаги ўртача мос валюта курсига бўлиб, аниқланган АҚШ долларларидаги қийматларни бўлиш орқали топилди.